



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 21 сентябрь, № 197 (7427)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПРЕЗИДЕНТ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни Афғонистон Ислон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Япония ҳамда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавкулудда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад Ҳолид Элмий, Сантош Жа, Тимоти Торлот, Ёшинори Фужияма ва Изабель Сервоз-Галлучидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари элчиларни Ўзбекистондаги дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклаб, уларга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада муваффақиятлар тилади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилади, деб эълон қилинган. Инновацион технологиялар ва ёндашувлар асосида замонавий санаят корхоналари ва инфратузилма яратилмоқда, банк, молия ва солиқ соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ўз сўзида янги элчилар вакиллик қилаётган давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорлик янада ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтди.

Афғонистон билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари кенгайиб, муштаҳамлаб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқот фаоллашгани товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, энергетика, транспорт, логистика ва коммуникациялар, таълим соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда улкан салоҳиятга эга бўлган ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга катта суръат бағишлади.

Президентимиз 2018 йил октябрда Ҳиндистонга амалга оширилган давлат ташрифи ва жорий йил январь ойида "Жўшқин Гужарат — 2019" саммити доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокара натижасида янги амалий мазмун билан бойиган Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклиги юксак даражага кўтарилганини юқори баҳолади.

Бугунги кунда фармацевтика, инновация ва ахборот технологиялари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларида қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасалари — Амита ва Шарда университетлари филиаллари ўз эшикларини очди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик турли даражаларда сезиларли фаоллашганини мамнуният билан қайд этди.

Нефть-газ ва кимё саноати, геология-қидирув, молия, инновацион технологиялар ва соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича эришилган келишувлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Таълим соҳасида, жумладан, пойтахтимиз ва ҳудудларда Кембриж университети иштирокида Президент мактабларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Япония билан стратегик шериклик муносабатларини янада муштаҳамлаш ва кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратмоқда.

Энергетика, геология-қидирув, автомобиль саноати, транспорт, телекоммуникациялар, инфратузилмани модернизация қилиш, фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда Япония компания ва банклари билан кооперация суръати ортиб бораётгани таъкидланди.

Жорий йил декабрь ойида Японияда бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашув ва музокара кенг қўламли ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги мазмун бағишлаганини мамнуният билан қайд этди.

Геология-қидирув, қуёш энергетикаси, коммунал хўжалик, туризм ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Маданият ва санъат, фан ва техника, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Маросим сўнггида Президент Шавкат Мирзиёев янги тайинланган элчилар фаол дипломатик саъй-ҳаракатлари билан давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада муштаҳамлашга муносиб ҳисса қўшишларига ишонч билдирди.

Ўз навбатида, дипломатик миссиялар раҳбарлари Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида давлатлар муносабатларини изчил ва самарали ривожлантиришга бор куч-ғайратини сафарбар қилишини таъкидладилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилди ҳамда муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди. Миллий архив фонди Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлар билан бойитилди.

Шу билан бирга, таҳлил ва ўрганиш натижалари архив иши ва иш юритиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, давлат архивларининг моддий-техника базасини яхшилаш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмларини қўллаш зарурати мавжудлигидан далolat бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар: **Агентликнинг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ; **бошқарув ходимларининг чекланган сони** 20 нафардан иборат **Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, қурилишни жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва қурилиш соҳасида давлат бошқарувининг самарали механизмлари жорий этилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар натижалари қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлашда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, манфаатдор шахслар ва жамоатчилик қурилиш ишлари боришини кузатиш имкониятига эга эмас, маблағлардан нотўғри фойдаланиш, объектларни ўз вақтида топширмаслик, қурилишда паст сифатли материаллардан фойдаланиш, қурилиш ишларига соҳанинг мутахассиси бўлмаган ходимларни жалб қилиш қурилиш ишларининг сифатсиз ба-жарилишига олиб келмоқда, республика бюджети маблағлари, мақсадли жағмаралар ва буюртмачиларнинг ортқича харажатларига сабаб бўлмоқда.

Қурилиш вазирлиги моддий-техника базасининг талаб даражасида эмаслиги қурилиш соҳасидаги давлат

хизматлари кўрсатиш мuddатлари бузилишига, жойлардаги қурилиш бошқармалари ва бўлинмаларининг фаолиятини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар: а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигининг: **Қурилиш вазирлиги фаолиятига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини жорий этиш** ва уни 2020 йил 1 июнга қадар **Тошкент вилоятида** марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштирилган объектлар (кейинги ўринларда — объектлар) қурилиш жараёнида **тажриба тартиқсиз ишга тушириш**;

(Давоми 2, 3-бетларда).

### ДУНЁ НИГОҲИ

#### «ЎЗБЕКИСТОН ЮРИТАЁТГАН ТАШҚИ СИЁСАТНИ ИЛГАРИ СУРИШ УЧУН ЯНА БИР ПЛАТФОРМА»



Чет эл оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилгани юзасидан қатор таҳлилий материаллар беришда давом этмоқда.

Хусусан, Ҳиндистоннинг «Times of Central Asia» журнали шарҳловчилари Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бугун Ўзбекистон юритаётган очик, конструктив ва прагматик ташқи сиёсатни илгари суриш учун яна бир платформага айланишига ишонадилар.







«ЎЗБЕКИСТОН ЮРИТАЁТГАН ТАШҚИ СИЁСАТНИ ИЛГАРИ СУРИШ УЧУН ЯНА БИР ПЛАТФОРМА»

Шу маънода, замонавий даврда расмий Тошкентнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳурмат, дўстона ва яхши кўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар, узоқ давлатлар ва халқаро институтлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни тиклаш борасида эришилган ютуқларига юксак баҳо берилди.



www.UrduPoint.com

Покистоннинг «UrduPoint» газетаси Кенгашга аъзолик масаласи илк мартаба Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 2018 йили Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида кўтарилганини эслатиб ўтади. 2018 йилнинг 3 сентябрь кунини Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Президент Шавкат Мирзиёев биринчи марта Ўзбекистон номидан фахрий меҳмон сифатида иштирок этди ҳамда ўз нутқида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир муҳим йўналишларга тўхталиб ўтди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, транспорт, илмий тадқиқотлар ва туризм бор.

«МИР 24» телеканали (МДХ Давлатлараро телерадиокомпания таркибига кириди): «Ўзбекистоннинг мазкур тузилма фаолиятидаги иштироки республиканинг умумий манфаатларга эга бўлган сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда туркий тилли давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштириш имконини беради».

«ASIA-Plus» ахборот агентлиги (Тожикистон): «Ушбу тарихий воқеа минтақада инвестициялар оқими яхшилаш, савдо айланмасини ошириш, молиявий ва



банк операцияларини, шунингдек, божхона ва транзит тартиб-таомилларини соддалаштириш, келгусида товарлар, капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракатланишига ўтиш имконини беради».

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Теран томирлар

Дунёда тиллар кўп. Шу қаторда тилларнинг «оиласи» ҳам бор. Бошқача айтганда, муайян тилларни умумлаштирувчи, бирлаштирувчи, ўзаро боғловчи жиҳатлари бўлади. Бунга мисол тариқасида туркий тиллар оиласини келтириш мумкин. Бу оилга ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва яна бир қанча тиллар мансубдир. Олимларнинг тадқиқотига кўра, «турк» атамаси пайдо бўлганига 3 минг йилдан ошган. Туркий тилли халқларнинг тарихи ундан-да қадимийроқдир.

Муносабат

Ана шу қадим халқлар орасида ўзбек миллати алоҳида ўрин тутди. Зеро, туркий халқлар маданияти, тили ривожланишида бизнинг буюк аجدдоларимизнинг хизматлари бекиёс. Қувонарлики шундаки, улуг бобларимиз яратган бебаҳо асарлар, ноёб кашфиётлар нафақат туркий тилли халқлар, балки жаҳон цивилизациясига салмоқли хисса бўлиб қўшилган ва улар ҳозиргача ўз аҳамиятини, қимматини йўқотмаган. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асари, Мухаммад Хоразийнинг ўнлик санок тизими, замонавий алгоритм ва алгебра борасидаги тадқиқоти, Ахмад Фароний яратган миқёси Нил усунаси, Мирзо Улуғбекнинг «Жижи Кўрагоний» асари шулар жумласидандир.

Булар ҳақида фикр юритар эканмиз, буюк бобимиз Амир Темурнинг «Биз туркнинг бош бўғинимиз» деган гапи эсга келверади. Бинобарин, Сохибқирон ҳукмронлиги даврида туркий халқлар, биринчи навбатда, ўзбек миллатининг шон-шухрати оламга ёйилди. Амир Темур халқимизнинг асрий аъналарини ривожлантирди, бойитди, дунёга ёйди. Давлатининг пойтахти бўлган Самарқанда ва ўз кўл остидаги бошқа шаҳарларда нодир ёдгорликлар бунёд этди. Шаҳрисабзда барпо этган Оксаройга «Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларни кўринг», деб ёздирди. Кўрпачисими, Сохибқирон бобомиз ўз қудратини қилч, қурол билан эмас, бунёдкорлик ишлари билан намён этган. Бу билан қудратли давлат боқий иншоотлар қуради, деган фикрни илгари сурган.

Миллатимизнинг урф-одатлари, аъналарини тарихи ҳам гоят қадимдан бошланган.

Булар қаторига бахшичилик, мақом санъатимиз, тасвирий санъатимизнинг ҳам қўшиши мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани, Термизда Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Қўқонда Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказилгани бу санъат турлари юртимизда азал-азалдан, неча минг йиллар илгари мавжуд бўлганидан далолат беради. Бунини ушбу фестивалларда қатнашган, турли мамлакатлардан келган муносиҳшунослар, ижрочилар, экспертлар алоҳида қайд этди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида бўлган туркий давлатлар вакиллари Фаол иштирок этиб келадилар ва совринли ўринларни кўлга киритадилар.

Халқларни бир-бирига яқинлаштиришда, бир-бирини яқинроқ тушунишида адабиёт ва санъатнинг ўрни ҳамда аҳамияти жуда катта. Азал-азалдан туркий тилли халқлар ижодкорлари бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиб келган. Алишер Навоий озарбайжон адабиётининг улкан вакили Низомий Ганжавийнинг устоз билган, шу адабиётнинг бошқа бир намояндаси Мухаммад Фузулий эса Алишер Навоийнинг устоз сифатида эътироф этган. Бу аъна замонавий адабиётларимизда ҳам давом этмоқда. Гафур Ғулом ва Самад Вурғун, улардан кейинги авлод шоир ва ёзувчиларининг ҳамкорлиги бунинг ёрқин мисолидир. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоиримиз Абдулла Орипов бу дўстликни шундай таърифлаган.

Ўзбекман, англамай қайққа бордим, Шу инжа озарий тилини, забонни.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ИНСТИТУТИГА
2020 ЙИЛ УЧУН КЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА (PhD)
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар — 1 ўрин.
05.02.03 — Техноложик машиналар, Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари — 1 ўрин.
05.06.02 — Тўқимачилик материаллари техноложияси ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш — 4 ўрин.
05.06.03 — Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари техноложияси — 1 ўрин.
05.06.04 — Тикувчилик буюмлари техноложияси ва костюм дизайни — 1 ўрин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ
олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига
2019 йил учун кўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:
Таянч докторантурага (PhD):
05.08.06 — «Филдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлаштириш» — 2 ўрин;
05.09.02 — «Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари, кўприклар ва транспорт тоннеллари, йўллар, метрополитенлар» — 2 ўрин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига
07.00.04 — Диншунослик.
19.00.05 — Иجتимой психология (Дин социопсихологияси).
24.00.01 — Ислам тарихи ва манбашунослиги.
24.00.02 — Куръоншунослик. Хадисшунослик.
24.00.03 — Фикҳ, калом илми. Илоҳийёт.
24.00.04 — Мумтоз Шарқ адабиёти ва манбашунослиги ихтисосликлари бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га танлов асосида қабул эълон қилади.
Талабгорлар кўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
Таянч докторантурага:
— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхаси.
Докторантурага:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
Ҳужжатлар 2019 йил 15 октябрда қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.
Мурожаат учун телефон: 71-244-00-56. Факс: 71-244-00-65.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
кафедралардаги кўйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:
Фармакогнозия кафедраси бўйича: доцент — 2 ўрин, ассистент — 2 ўрин.
Фармацевтика иштини ташкил қилиш кафедраси бўйича: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 2 ўрин.
Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича: профессор — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Аналитик кимё кафедраси бўйича: ассистент — 1 ўрин.
Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 2 ўрин.
Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича: доцент — 1 ўрин, ассистент — 2 ўрин.
Биотехнология кафедраси бўйича: ассистент — 2 ўрин.
Токсикологик кимё кафедраси бўйича: ассистент — 1 ўрин.
Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича: ассистент — 2 ўрин.
Фармацевтик кимё кафедраси бўйича: доцент — 2 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Дори турлари техноложияси кафедраси бўйича: кафедра мудирини — 1 ўрин, профессор — 1 ўрин, доцент — 2 ўрин, ассистент — 2 ўрин.
Дори воситаларининг саноат техноложияси кафедраси бўйича: профессор — 1 ўрин, ассистент — 4 ўрин.
Дори воситаларининг стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 4 ўрин.
Физика, математика ва ахборот техноложиялари кафедраси бўйича: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 2 ўрин, ассистент — 2 ўрин.
Тиллар кафедраси бўйича: катта ўқитувчи — 4 ўрин, ўқитувчи — 4 ўрин.
Иجتимой фанлар кафедраси бўйича: катта ўқитувчи — 4 ўрин, ўқитувчи — 4 ўрин.
Фармацевтика иштини ташкил қилиш ва фармацевтик техноложия кафедраси бўйича: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Фармакогнозия ва дори воситаларининг стандартлаш кафедраси бўйича: профессор — 1 ўрин.
Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.
Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-38-50.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.
Телефонлар: 71-233-52-55; 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН КЎЎЗМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.
ГАЗЕТАНИНГ СТАЛБИ БЕРАЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКІЛЛАТ ЖАВОБГАР.
ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗДА ТЕРИД ХАМДА ОПЕРАТОР А. ИСМАИЛОВ ТОМОНИДАН САЎДЛАЙДИ.
ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАҲОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 02.00 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6